

НАВБОҒТЕПА ЁДГОРЛИГИНИНГ ҚОРАХОНИЙЛАР ДАВРИ СИРЛАНГАН ТОВОҚЛАРИ ХУСУСИДА

© 2022. Назаров Акбар

Самарқанд Давлат университети

Калит сўзлар: Навбоғтепа, сирланган идишлар, товоқ, “Афросиёб типи” Суғд, Афросиёб, накш мотивлари, кулоллик, анъаналар, ангоб.

Ушбу мақолада Навбоғтепа ёдгорлигидан топилган ривожланган ўрта асрларга оид сирланган товоқлар ҳақида сўз боради. IX–XIII аср бошлари Самарқанд Суғдида сирланган кулоллик буюмлари ишлаб чиқариш соҳасида ўзига хос таракқиёт даври бўлди. Афросиёбнинг шимоли-ғарбида жойлашган Навбоғтепа ёдгорлигида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида, ёдгорлик тарихини очиб берувчи кўплаб кулоллик идишлари аниқланган. Навбоғтепа ёдгорлигидан сирланган сопол идишлар, жумладан товоқлар ҳам топилди. Мазкур товоқлар ўзининг нафислиги ва сифати билан Самарқанд Суғдининг бошқа ёдгорликларидан топилган товоқлардан фарқ қилмайди. Ясашиш техникаси ва накш мотивларига кўра, машхур “Афросиёб типи”, деб аталувчи сирланган идишлар туркумига киради. Кузатишлардан Навбоғтепанинги сирланган идишлари Мовароуннахрнинг бошқа худудларида ҳам ўз “аналог”ларига эга эканлиги маълум бўлди. Еттисув, Фарғона, Чоч, Уструшона, Тоҳаристон, Бухоро ва Хоразм воҳаларидан ҳам Самарқанд, хусусан Навбоғтепанинги сирланган товоқлари сингари идишлар аниқланган. Мазкур ёдгорликдан аниқланган сирланган товоқларни безашда жигарранг, сарик, қизил, яшил каби бўёқлардан фойдаланилган. Шунингдек, сирланган идишларнинг сиртига шаффоф, яшил, кўк, жигарранг, оқ ва сарик рангдаги сирлар берилган. Навбоғтепадан аниқланган сирланган товоқлар ёдгорликда хунармандчилик Қорахонийлар даврида анча гуллаб-яшнаганидан далолат беради.

О ГЛАЗУРОВАННЫХ БЛЮДАХ КАРАХАНИДСКОГО ПЕРИОДА С ПАМЯТНИКА НАУБАГТЕПЕ

© 2022. Назаров Акбар

Самарқандский государственный университет

Ключевые слова: Согд, Наубагтепа, Афрасиаб, глазурованная посуда, тарелки, «тип Афрасиаб», узорные мотивы, гончарство, традиция, ангоб.

Статья о средневековых глазурованных блюдах, найденных на городище Наубагтепа. Начало IX–XIII вв. в Самаркандском Согде было периодом уникального развития в области производства глазурованной керамики. В результате археологических исследований, проведенных в Наубагтепа, расположенном в северо-западной части города Самарканда, были обнаружены находки, связанные с историей памятника. На памятнике Наубагтепа было найдено множество глазурованных керамических сосудов, в том числе и блюда, по своему изяществу и качеству не отличающиеся от других сосудов, найденных на других памятниках Самаркандского Согда. По технике изготовления и мотивам орнамента они относятся к группе эмалированных сосудов, известных как «тип Афрасиаба». Глазурованные сосуды Наубагтепа имеют свои аналоги в других районах Мавереннахра. В оазисах Семиречья, Ферганы, Чача, Уструшаны, Тохаристана, Бухары и Хорезма были найдены фрагменты сосудов, такие как глазурованные блюда Самарканда и Наубагтепа. Для украшения этих блюд использовались краски, как коричневая, желтая, красная и зеленая. Также на поверхность глазурованной посуды нанесены прозрачная зеленая, синяя, коричневая, белая и желтая глазури. Глазурованные блюда из Наубагтепа, указывают, что керамическое ремесло на этом памятнике процветали в период Караханидов.

Кириш. Навбоғтепа ёдгорлиги қадимги Самарқанддан (Афросиёб) 12 км шимоли – ғарбда, ҳозирги Самарқанд туманига қарашли Навбоғ қишлоғининг шимолида, юқори ва қуйи Сиёб каналларининг ўртасида жойлашган. Сиёб канали Навбоғтепа ёдгорлигидан жануби-шарқда Қорасув қишлоғи яқинида сув айриғич орқали иккига бўлинади. Р. З. Равшанов ўзининг тадқиқотларида ушбу Сиёб каналини Мергантепа яқинидан юқори ва қуйи Сиёбга ажратилганлигини таъкидлайди (Равшанов, 1974. Б. 19). Ёдгорликнинг умумий майдони 6 га бўлиб, арк, шаҳристон ва рабод қисмларидан иборат (Лебедева, 1994. С. 80–81).

Ёзма ва археологик манбаларнинг илмий таҳлилига кўра, Навбоғтепа ёдгорлиги қадимий Исбискат қишлоғининг маркази бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас. Ёзма манбаларда жумладан, ас-Саъманийнинг қайд этишича, Исбискас Самарқанддан 2-фарсах узокликда жойлашган (Камалиддинов, 1993. С. 104; Камалиддинов, 2018. С. 208). Шунингдек, Истахрий ва ибн Ҳавқалларнинг маълумотларига кўра, Самарқанд рабоди деворининг дарвозаларидан бирини Боб Исбаск ёки Боб Исбашк – Исбаск, деб ҳам номланган.

XVI асрга оид вақф ҳужжатларида Мотрид ёнида жойлашган Исбаск қишлоғи номи ҳам қайд этилиб, у Афросиёбдан шимоли – ғарбда, Қундуз Суфи ва Ўзбеккенти қишлоқларининг ёнида жойлашган (Беленицкий, Бентович, Большаков, 1973. С. 226). Исбаск этимологияси суғдча ‘asp – «от» ва – ask суффиксидан ясалган бўлиши мумкин (Лурье, 2004. С. 222). Исбискат (Навбоғ) Буюк Ипак йўлининг муҳим тармоғида жойлашган бўлиб, Самарқандни (Афросиёб) Иштихон, Кушония, Фай ва Добусия каби қадимий шаҳарлар билан боғлаган (Назаров, 2021. Б. 206).

Навбоғтепа ёдгорлиги дастлаб 1987 йилда Э. Ю. Бурякова ва Т. И. Лебедевлар томонидан рўйхатга олинган (Бурякова, Лебедева, 1987). Кейинчалик, 2002–2008 йилларда қайта рўйхатга олиниб, бу ерда қайд этилган кулоллик буюмлари асосида V–VII, XIV–XIX асрлар билан даврлаштирилган (Бердимуратов, Исамиддинов, 2015. С. 128). 2019 йилда ёдгорликнинг шаҳристон қисмида планиграфик (1-қазишма (PI) ҳамда унинг рабодида стратиграфик (2-қазишма (PII) кўринишдаги археологик қазишма ишлари олиб борилди (Саидов, Назаров, Сандибоев, 2020. Б. 281–285). Натижада, қазишмалар маданий қатламларидан сирланган сопол идишлар мажмуаси қайд этилиб, улар орасида сирланган товоқлар ҳам мавжуд.

Товоқларнинг тавсифи. Товоқлар Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луғоти турк” асарида *biqach*, деб номланиб (Маҳмуд Қошғарий, 1960. Б. 389), уларнинг юзи ёйикрок, бир оз кенг (ялпок) коса шаклидаги чуқурроқ бўлган идишлардир. Товоқлар турли катта кичик шаклларда сопол, чинни, мис, баъзан мрамардан ҳам тайёрланади. Бундай турдаги идишлар



Расм 1. Навбоғтепадан топилган сирланган товоқлар.

Рис. 1. Глазурованные блюда Афрасиаба. XI–XIII вв.

Figure 1. Glazed pottery found in Navbagtepa.

дан таом ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини солишда кенг фойдаланилади (ЎзМЭ, 2002. 434 б.). Навбоғтепа ёдгорлигида қайд этилган товоқлар ясашиш техникаси ҳамда уларга безак берилиш услубига кўра уларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

Биринчи товоқ. Товоқнинг шакли тик гардишли бўлиб, ундан тиззасимон букилган ҳолатда остки қисмига ўтилган, таглиги сақланмаган. Товоқнинг ичи тўлалигича оқ рангли ангоб билан қопланган, ангобнинг юзасига рангсиз, шаффоф сир берилган. Идишнинг гардиши бўйлаб айланасига ҳар уч-тўрт сантиметрда қора нуқталар туширилган, айрим нуқталари жуфт ҳолатда. Идиш гардишининг ичкари томонига бир нечта медальонсимон айланалар чизилган. Айланалар марказига қизғиш рангли катта нуқта туширилган, унинг атрофи эса энли, зайтун рангидаги айлана билан ўралган. Унинг атрофи эса энсизроқ, қизғиш рангидаги айлана билан ўраб олинган ва унинг ташқи томони бўйлаб нуқталар берилган. Шу тахлитда тишли медальон сурати ҳосил қилинган. Медальоннинг ёнида учбурчак ҳосил қилувчи учта қора нуқта мавжуд. Юқоридагилар асосланиб, медальон ва қора нуқталар идишнинг ички томони бўйлаб навбатма-навбат берилганлигига шубҳа йўқ.

Идишнинг ташқи юзаси ҳам ички юзаси каби оқ ангоб билан қопланган. Сир эса идишнинг юқори қисмигагина берилган, остки қисми ва таглиги сирланмаган. Товоқ гардишининг айланаси 24 см бўлиб, унинг сиртига ҳам оч сариқ ангоб суртилган (1, 1-расм).

Бу хил услубда ясалган товоқлар Ўрта Осиёнинг жуда кўплаб ҳудудларидан топилиб, асосан X-XII асрлар билан даврланади. Жигарранг, қора, оч сариқ, малла ва яшил ранглар билан сирланган идишларни безаш анъанаси асосан X асрдан бошланган.

Иккинчи товоқ. Иккинчи товоқ ҳам тик гардишга эга бўлиб, ундан тиззасимон букилган ҳолатда остки қисмига ўтилган, таглиги сақланмаган. Товоқнинг ички томонига оқ ангоб берилган, унинг устидан жигарранг, қизғиш ва яшил рангли нақшлар туширилган. Товоқнинг сақланиб қолган қисмидаги нақш мотивларига қараганда нақш мотивлари кўшувсимон (крест) кўринишга ажратилган асосий нақш атрофида шакллантирилган. Товоқнинг гардиши 1 смли қора ранг билан бўйаб чиқилган. Ундаги нақшларда ўсимликсимон мотивлар устунлик қилади. Идишнинг марказида жойлашган хочли нақшда оқ, малла ва яшил ранглар иштирокида турли-туман кўринишли мотивлар жойлаштирилган.

Товоқнинг сиртига ҳам оқ ангоб суртилган, унинг устидан яъни гардишининг сиртига 1 см кенгликда айланасига қизғиш рангли қалин илонизи хошия тортилган. Товоқ гардишининг айланаси 30 см ни ташкил қилади (1, 2-расм).

Мовароуннахрнинг ривожланган ўрта асрлардаги сирланган сопол идишларга ангоб билан безак бериш идишнинг фонига боғлиқ бўлган. IX–X оқ ёки фил суяги тусли фонга эга идишларга икки марта ангоб берилган. XII асрнинг ярмидан бошлаб сирланган идишлар ясашда идиш ясаиб қурилган ва ёркиноқ фон устидан ангоб билан қоплаш техникаси қўлланила бошланган (Ташходжаев, 1967. С. 11–12).

Учинчи товоқ. Ушбу товоқнинг гардишидан пастки қисмига сақланиб қолган. Таг қисми эса аниқланмаган. Товоқнинг фони ангоби оч-пушти, сири эса сарғиш бўлиб, найза барг элементларни ўз ичига олган ёркин чизикдан иборат. Товоқни безашда оч малла, жигарранг, оч сариқ, қора ва яшил ранглардан фойдаланилган. Бу товоқнинг ҳам сақланиб қолган қисмидаги асосий нақш мотивидан келиб чиқсак, унинг ҳам марказида катта хоч кўринишидаги ососий нақш мавжуд бўлиши мумкин. Идишда турли хил безаклар, жумладан, занжирсимон кўринишдаги безакни икки ёнидан тўғри оч-сарғиш паралелл чизиклар, уларнинг ўртасида тўлқинсимон яшил рангли орнамент билан безатилган. Сопол идишнинг сиртига ҳам оқ ангоб берилган бўлиб, унинг устидан яъни гардишининг сиртига 1 см кенгликда оқ ангоб устидан тўлқинсимон қизғиш бўёқ берилган. Товоқнинг гардишининг айланаси 32 сантиметрга тенг (1, 3-расм).

Умуман олганда, юқорида келтирилган 3 та идишнинг ўзига хос хусусиятларидан бири – бу қора, тўқ жигарранг ва қизил рангда туширилган томчи кўринишдаги холдир (крапин).

Бундай безак биринчи товоқда алоҳида ва бошқа безакларга кўшилган кўринишда чизилган бўлса, иккинчи ва учинчи товоқларда фақат, бошқа безакларга кўшимча кўринишда берилган.

Ушбу идишларни Сўғд ва Фарғона ёдгорликларидан топилган сирли сопол идишлар билан қиёсий таҳлил қилиб, қуйидагича хулосага келиш мумкин. Масалан, бундай безаклар Ахсикатда XII асрнинг ўрталарида пайдо бўлиб, XIII асрни бошигача давом этади (Анарбаев, 2013. С. 474, 485).

Маълумки, Мовароуннаҳр кулоллик анъаналари тараққиётида VIII–IX асрларда инновацион ўзгариш, яъни сирланган сопол буюмлар ишлаб чиқариш пайдо бўлган.

Ўрта асрларда Мовароуннаҳрнинг кулоллик тараққиёти динамикасини бир нечта даврларга бўлиш мумкин. Уларнинг биринчиси IX–XIII аср бошларига тўғри келади. Муслмон Шарқининг ўрта аср сирланган сополлари ягона услубни сақлаб маълум бир анъана талабларига жавоб берсада, Мовароуннаҳрнинг сирланган сополлари маҳаллий анъанавий нақш мотивларини акс эттирган ўзига хос хусусиятига эга эди (Мирзаахмедов, 2011. С. 181).

Биринчи ва иккинчи товоққа ўхшаш шакл ва фонга эга товоқлар Марказий Сўғдда, жумладан Афросиёбда жуда кенг тарқалган (2-расм). Шунингдек, уларнинг шаклига ўхшалик Вардонзининг XII–XIII аср бошларига оид сирланган товоқларида ҳам мавжуд (Mirzamedov Fig. 5, 1).

Учинчи товоқа фони ранги, нақш мотивлари ва шакли жуда ўхшаш бўлган товоқ Афросиёбнинг 47-қазимасидан аниқланган. Муалиф ушбу товоқни XI–XII асрларга таалукли деб таъкидлайди (Саидов, 2018. Расм.3.1.33).


Нафақат, Самарқандда балки, бутун Ўрта Осиёнинг кулоллик марказларида VIII асрнинг охирдан бошлаб сирланган кулоллик идишлари ишлаб чиқариш бошланди. Дастлабки, сирланган сополларнинг сифат даражаси бир мунча паст бўлиб, идиш сиртига рангсиз-қорамтир сир ва кўкимтир-яшил нақшлар берилган. Кейинчалик, жигарранг бўёқ билан нақш бериш пайдо бўлди. Самарқандлик кулолларнинг дастлабки сирланган идишлари коса, пиёла ва лаганлардан иборат бўлган. Шунингдек, уларнинг нақш мотивлари анча содда эди. Самарқанднинг IX–X аср бошларидаги сирланган идишлари янги сифат босқичига кўтарилган ва айнан шу даврда Афросиёб сирланган сополлари деб номланувчи алоҳида йўналиш пайдо бўлади (Ташходжаев, 1967. С. 9–10). Афросиёб сирланган сополлари ўзининг сир бериш технологияси ва нақш бериш услубига кўра атрофдаги бошқа кулоллик марказларига таъсир кўрсатган. Самарқанда сирланган кулоллик буюмлари ишлаб чиқаришда IX–X асрларда кўплаб нақш беришлар мотивлари маълум бир андозага солинди. Афросиёбда сирланган сопол ишлаб чиқаришнинг дастлабки босқичларида яъни, XI асрнинг I ярмида уста-кулоллар асосан тўқ-кўк, ярим шаффоф яшил-кўкимтир (бирюза) сирлардан фойдаланишган. Кейинроқ эса сир бериш услублари янада мукаммалаша борган. Тovoқларнинг чиройли ва сифатли бўлиши анғоб беришга ҳам боғлиқ бўлган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, XII–XIII асрнинг бошларида яратилган шакллари XIX асрнинг охири – XX аср бошларига қадар сақланиб қолган (Ташходжаев, 1967. С. 125).



Расм 2. Афросиёбнинг сирланган товоқлари. XI–XIII асрлар.

Рис. 2. Глазурованные блюда Афрасиаба. XI–XIII вв.

Figure 2. Glazed pottery from Afrasiab. 11th-13th centuries.



Расм 3. Ўрта Осиёнинг XI–XIII асрга оид сирланган товоқлари. 1. Ахсикат (А. Анарбоев бўйича, 2013) 2. Афросиёб (М. Саидов бўйича, 2017) 3. Саврон шаҳри (Е. Смагулов бўйича, 2010) 4. Тошкент воҳаси (С. Ильясова бўйича, 2016) 5. Вардонзе (М. Султонова бўйича, 2019) 6. Пойкент (Ж. Мирзаахмедов бўйича, 2011)

Рис. 3. Глазурованные блюда Средней Азии XI–XIII вв. 3.1. Ахсикет (по: Анарбаев, 2013); 2. Афрасиаб (по: Саидов, 2017); 3. Город Сауран (по: Смагулов, 2010); 4. Ташкентский оазис (по: Ильясова, 2016); 5. Варданзе (по: Султанова, 2019); 6. Пайкенд (по: Мирзаахмедов, 2011).

Figure 3. Glazed pottery of Central Asia of the 11th -13th centuries. 1. Ahsiket (according to A. Anarbayev, 2013); 2. Afrasiab (according to M. Saidov, 2017); 3. The city of Sauran (according to E. Smagulov, 2010); 4. The Tashkent Oasis (according to S. Ilyasova, 2016); 5. Vardanzeh (according to M. Sultanova, 2019); 6. Paykand (according to Mirzaakhmedov, 2011).

Самарқандда дастлаб, кулоллар олдин мавжуд бўлган сопол идиш типларига сир беришган. Кейинчалик бошқа тип кулоллик буюмларини сиртига сир бера бошладилар. Бундан ташқари Мовароуннаҳр сирланган кулоллик буюмлари ишлаб чиқаришига Ўрта ва Яқин Шарқ кулоллик анъаналари кучли таъсир кўрсатади.

Мовароуннаҳрнинг сирланган сопол идишлар ишлаб чиқаришида XI–XIII аср бошларида хўжалик, ошхона ва махсус буюмлар кўпчиликни ташкил этган. Улар орасида хўжалик идишлари энг кўп ишлаб чиқарилган бўлиб, ушбу буюмлар одатда таом сузилган вақти дастурхонни тузашга мўлжалланган (Мирзаахмедов, 2013. С. 353). Хўжаликка хос сирланган кулоллик буюмлари пиёла, коса, товоқ, тақсимча ва ҳоказолардан иборат бўлган. Ж. К. Мирзаахмедовнинг фикрича, этнографик паралелларга кўра, улар ўз навбатида “ҳашамдор” ва “кундалик ҳаётда қўлланишга” мўлжалланган бўлади. “Ҳашамдор” идишлар одатда меҳмон кутиш ва меҳмонхонани безаш учун фойдаланилган (Мирзаахмедов, 2011. С. 181).

Хулоса. Марказий Суғд минтақасида Мовароуннаҳрнинг бошқа ҳудудларига нисбатан олдинроқ сирланган сополлар идишлар ишлаб чиқариш бошланган. Кулолчиликнинг ушбу

соҳаси ривожланган ўрта асрларга келиб янада тараккий топади. Сомонийлар ва Қорахонийлар даврида ўзига хос услуб ва анъаналарга эга сирланган сопол идишлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Уларнинг нақш ва нақш мотивлари такрорланмас, бежиримлиги ва ўзига хослиги билан Мовароуннаҳрнинг бошқа йирик хунармандчилик марказларининг сирланган сопол идиш ва буюмлардан фарқланиб ҳам турган. Самарқанд ва унинг атрофларида XI асрнинг ўрталаридаёқ “Афросиёб типигаги” сирланган сопол идиш ва буюмлар ишлаб чиқарувчи марказлар вужудга келган.

Самарқанд Суғдида жойлашган Навбоғтепа ёдгорлигида олиб борилган дала тадқиқотлари мавсуми давомида кўплаб сирланган кулоллик маҳсулотлари намуналари, жумладан бир нечта сирланган товоқлар аниқланди. Топилмалар ясашиш техникаси ва услубига кўра Марказий Суғднинг ривожланган ўрта асрларга оид ёдгорликларидан аниқланган бошқа топилмаларга ўхшайди (3-расм). Навбоғтепанинг сирланган сопол товоқларида оч сариқ ва оқ фон, шунингдек, яшил, қора, жигарранг, малла, сариқ ва оч қизил ранглардан унимли фойдаланилган.

Бизнинг фикримизча, Навбоғтепада ҳам кулоллик маҳсулотлари ишлаб чиқарилган ва улар Афросиёб сирланган сопол идишларидан намуналар олган ҳолда тайёрланган. Қазималар давомида аниқланган юқоридаги сопол идишларни Ўрта Осиёнинг бошқа жойларидан топилган кулоллик маҳсулотларига қараб қиёсий солиштирган ҳолда XII аср билан даврлашимиз мумкин. Бундай сирланган идишлар Афросиёб, Ахсикат, Қува, Шош, Пойкент ва Термиз каби йирик хунармандчилик марказлари бўлган шаҳарларда ҳам жуда кўплаб учрайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Анарбаев А.* Ахсикет – столица древней Ферганы. Ташкент: Тафаккур, 2013. 535 с.
- Беленицкий А. М., Бентович И. Б., Большаков О. Г.* Средневековый город Средней Азии. Ленинград: Наука, 1973. 389 с.
- Бердимуратов А. Э., Исамиддинов М. Х.* Каталог археологических памятников Узбекистана. Том I. Самаркандская область часть 1. Город Самарканд и его округа. Самарканд: Зарафшон, 2015. 144 с.
- Бурякова Э. Ю., Лебедева Т. И.* Отчет по своду археологических памятников Самарканда сельского и города Самарканда в 1987 г // Институт археологии АН Уз ССР научный архив. Самарканд, 1987. Ф. 4, Оп. 1. Д. 170. 121 с.
- Ибн Ҳавқал.* Китоб сурат ал-Ард. Ернинг сурати китоби. Араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Ш. С. Камалиддин. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2011. 400 б.
- Истахрий.* Китаб ал-масалик вал-мамалик (Йўллар ва мамлакатлар) / Таржимон Р. Т. Худайбердиев. Тошкент: ФАН, 2019. 480 б.
- Камалиддинов Ш. С.* «Китаб ал-ансаб» Абу Са‘да ‘Абд ал-Карима ибн Мухаммада ас-Сам‘ани как источник по истории и истории культуры Средней Азии. Ташкент: ФАН, 1993. 210 с.
- Лебедева Т. И.* Сельская округа и ее роль в формировании раннесредневекового Самарканда / Дисс. канд. ист. наук. Самарканд, 1994. 322 с.
- Лурье П. Б.* Историко-лингвистический анализ согдийской топонимии // Дисс. канд. филол. наук. СПб.: ЛО ИВ РАН. Санкт-Петербург, 2004. 305 с.
- Маҳмуд Қошғарий.* Туркийсўзлардевони (Девонулуғотитурк) // Таржимон ванаширгатайёрловчи ф.ф.к. С. М. Муталлибов. Том I. Тошкент: 1960. 499 б.
- Мирзаахмедов Д. К.* К социально-экономическим факторам развития глазурованной керамики Мавераннахра IX — начала XIII в. // Труды ГЭ. Согдийцы, их предшественники, современники и наследники: на основе материалов конференции “Согдийцы дома и на чужбине” / Отв. ред. П. Б. Лурье, А. И. Торгоев. Т. 62. СПб.: ГЭ, 2013. С. 353–375.
- Мирзаахмедов Д. К.* Керамика Узбекистана // Художественная культура Центральной Азии и Азербайджана IX–XV веков. Т. I. Керамика. Самарканд-Ташкент: МИЦАИ, SMI-ASIA, 2011. С. 181–220.

- Назаров А. А. Исбискат-Буюк ипак йўлида // Қадимий Жиззах воҳаси – тарих, маданий тараққиёт ва замонавий ўзгаришлар чорраҳасида. (Республика илмий-амалий конференция материаллари). Жиззах, 2021. Б. 205–208.
- Равшанов Р. З. Самарқанд воҳасининг суғорилиш тарихи (XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошлари). Т. ф. н., диссертацияси. Самарқанд, 1974. 147 б.
- Саидов М. М. IX–XIII аср бошларида Самарқанд турар жойлари ва уларнинг суғд қурилиш маданиятидаги ўрни. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) / Илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. Самарқанд, 2018. 151 б.
- Саидов М., Назаров А., Сандибоев А. Навбоғтепа ёдгорлигида олиб борилган қазилма ишлари // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар 2018–2019 йиллар 12 – сон. Самарқанд: 2020. Б. 279–284.
- Таиҳоджаев Ш. С. Художественная поливная керамика Самарканда IX – начало XIII вв. Ташкент: ФАН Узбекской ССР, 1967. 155 с.
- Шишкина Г. В. Ремесленная продукция средневекового Согда // Отв. ред. М. И.Филанович. Ташкент: ФАН Узбекской ССР, 1986. 144 с.
- Mirzaachmedov D., Silvia Pozzi, Adilov Sh., Sultanova M., Mirzaachmedov S. Vardanzeh. The dynamics of settlement on the citadel based on the materials from medieval pottery complexes // Urban Cultures of Central Asia from the Bronze Age to the Karakhanids. Learnings and conclusions from new archaeological investigations and discoveries. Harrassowitz Verlag Wiesbaden, 2019. С. 247–260.
- Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. 3. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2002. 867 с.

REFERENCES

- Anarbaev A. 2013. *Ahsiket – stolica drevnej Fergany (Akhsikat the capital of ancient Fergana)*. Taškent: Tafakkur Publ., 535 (in Russian).
- Belenickij A. M., Bentovič I. B., Bol'šakov O. G. 1973. *Srednevekovyj gorod Srednej Azii (Medieval city of Central Asia)*. Leningrad: Nauka Publ., 389 (in Russian).
- Berdimuradov A. È., Isamiddinov M. H. 2015. *Katalog arheologičeskix pamâtnikov Uzbekistana (Catalogue of archaeological monuments of Uzbekistan)*. Vol. I. Samarkandskaâ oblast' čast' 1. Gorod Samarkand i ego okruĝa. Samarkand: Zarafšon Publ, 144 (in Russian).
- Burâkova È. Ū., Lebedeva T. I. 1987. *Otčet po svodu arheologičeskix pamâtnikov Samarkanda sel'skogo i goroda Samarkanda v 1987 (Report on the set of archaeological monuments of Samarkand rural and urban Samarkand in 1987)* / Institut arheologii AN Uz SSR naučnyj arhiv. Samarkand. F. 4, Op. 1. D. 170, 121 (in Russian).
- Ibn Havkal. 2011. *Kitob surat al-Ard (Yerning surati kitobi)*. The Kitab Surat al-Ard (The book of the image of the Earth). Arab tilidan taržima va izohlar muallifi Š. S. Kamoliddin. Toškent: O'zbekiston millij ènciklopediâsi davlat ilmiy našriyoti Publ., 400 (in Uzbek).
- Istahrij. 2019. Transl. R. T. Hudajberdiev. *Kitab al-masalik val-mamalik (Jullar va mamlakatlar kitobi)*. The Kitab al-masalik val-mamalik (Book of roads and countries). Toškent: FAN Publ., 480 (in Uzbek).
- Kamaliddinov Š. S. 1993. «*Kitab al-ansab*» Abu Sa'da 'Abd al-Karima ibn Muhammada as-Sam'ani kak istočnik po istorii i istorii kul'tury Srednej Azii («*The Kitab Al-ansab*» by Abu Sa'da 'Abd al-Karim ibn Muhammad as-Sam'ani as a source on the history and cultural history of Central Asia). Taškent: FAN Publ., 210 (in Russian).
- Lebedeva T. I. 1994. *Sel'skaâ okruĝa i ee rol' v formirovanii rannesrednevekovogo Samarkanda (Rural districts and their role in the formation of early medieval Samarkand)*: Diss. kand. ist. nauk. Samarkand, 322 (in Russian).
- Lur'e P. B. 2004. *Istoriko-lingvističeskij analiz sogdijskoj toponimii (Historical and linguistic analysis of the Sogdian toponymy)* // Diss. kand. filol. nauk. SPb.: LO IV RAN. Sankt-Peterburg, 305 (in Russian).
- Mahmud Košgarij. 1960. *Turkij suzlar devoni (Devonu lugotit turk)*. The Office of Turkic words (Devonu Lugotit Turk) // Taržimon va našrga tajyorlovči f.f.k., S. M. Mutallibov. Vol. I. Toškent, 499 (in Uzbek).
- Mirzaachmedov D., Silvia Pozzi, Adilov Sh., Sultanova M., Mirzaachmedov S. 2019. Vardanzeh. *The dynamics of settlement on the citadel based on the materials from medieval pottery complexes* // Urban Cultures of Central Asia from the Bronze Age to the Karakhanids. Learnings and conclusions from new archaeological investigations and discoveries. Harrassowitz Verlag Wiesbaden: 247–260 (in English).

- Mirzaahmedov D. K. 2011. *Keramika Uzbekistana (Ceramics of Uzbekistan)* // Hudožestvennaâ kul'tura Central'noj Azii i Azerbajdžana IX-XV vv. Vol. I. Keramika. Samarkand-Taškent: MICAI, SMI-ASIA, 181–220 (in Russian).
- Mirzaahmedov D. K. 2013. In Lur'e P.B., Torgoev A.I. (ed). *K social'no-èkonomičeskim faktoram razvitiâ glazurovannoj keramiki Maverannahra IX — načala XIII v. (Socio-economic factors of the development of glazed ceramics of Maverannahr 9th — early 13th century)* // Trudy GÈ. Sogdijcy, ih predšestvenniki, sovremenniki i nasledniki: na osnove materialov konferencii «Sogdijcy doma i na čužbine» / T. 62. SPb.: GÈ, 353–375 (in Russian).
- Nazarov A. A. 2021. *Isbiskat-Buük ipak julida (Isbiscat-on the Great Silk Road)* // Kadimij Žizzah vohasi – tarix, madanij tarakkiyot va zamonavij uzgarišlar čorrahasida. (Respublika ilmiy-amaliy konferenciâ materiallari). Žizzah, 205–208 (in Uzbek).
- Ravšanov R. Z. 1974. *Samarkand vohasining sugoriliš tarihi (XIX asr ikkinči ârmi va XX asr bošlari)*. The history of the irrigation of the Samarkand Oasis (the second half of the 19th century and the beginning of the 20th century): T.f.n. dissertaciâsi. Samarkand, 147 (in Uzbek).
- Saidov M. M. 2018. *IX–XIII asr bošlarida Samarqand turar žojlari va ularning sugd kuriliš madaniâtidagi urni (Residential built-up of Samarkand in the 9th – beginning of the 13th ce and its role in the building culture of Soghd). Tarih fanlari bujiča falsafa doktori (doctor of philosophy) / Ilmiy daražasini oliš učun tajyorlangan dissertaciâ. Samarkand, 151 (in Uzbek).*
- Saidov M., Nazarov A., Sandiboev A. 2020. *Navbogtepa yodgorligida olib borilgan qazišma işlari (Excavations carried out at the Navbagtepa monument)* // Uzbekistonda arheologik tadqiqotlar 2018–2019 jillar 12 – son. Samarkand, 279–284 (in Uzbek).
- Šiškina G. V. 1986. In Filanovič M.I. (ed). *Remeslennaâ produkcia srednevekovogo Sogda (Handicraft products of medieval Sogd)*. Taškent: «FAN» Uzbekskoj SSR, Publ., 144 (in Russian).
- Tašhodžaeв Š. S. 1967. *Hudožestvennaâ polivnaâ keramika Samarkanda IX – načalo XIII vv. (Artistic glazed ceramics of Samarkand of 9th – early 13th centuries)*. Taškent: FAN Uzbekskoj SSR Publ., 155 (in Russian).
- Uzbekiston millij ènciklopediâsi. 2002. *(National Encyclopedia of Uzbekistan)*. Vol. III. Toškent: «Uzbekiston millij ènciklopediâsi» davlat ilmiy našriyoti, 867 (in Uzbek).
-

REGARDING THE GLAZED PLATES OF KARAKHANIDS PERIOD OF NAVBAGTEPA SITE

© 2022. Nazarov Akbar

Samarkand State University

Key words: Sogd, Afrasiab, Navbagtepa, glazed vessels, plate, «Afrasiab type», pattern motifs, pottery, traditions, engobe.

This article is about advanced medieval glazed dishes found at the site of Naubagtepa. It was a period of unique development in the production of glazed pottery in Samarkand Sogd in the early 9th–13th centuries. Archaeological studies carried out at Naubagtepa, located in the northwestern part of Samarkand city, resulted in the discovery of finds related to the history of the monument. Numerous ceramic finds were discovered at the monument. Many glazed earthenware vessels, including dishes, were found at the site of Naubagtepa. The dishes are of the same elegance and quality as those found at other sites in Samarkand. In terms of technique and motifs of decoration, they belong to the group of glazed vessels known as the «Afrasiab type». From the observations, it became clear that the glazed vessels of Naubagtepa have their analogs in other areas of Transoxiana. Fragments of broken vessels, in particular glazed dishes from Samarkand, Naubagtepa were identified in the oases of Zhetysu, Fergana, Chach, Ustrushana, Tokharistan, Bukhara, and Khorezm. Brown, yellow, red, and green paints were used to decorate the glazed dishes found at the site. Also, the surface of the glazed dishes is covered with transparent green, blue, brown, white, and yellow glazes. The glazed dishes identified at Naubagtepa indicate that craftsmen on this site flourished during the Karakhanid period.